

**O'QUVCHILARNI MATN BILAN ISHLASHGA  
O'RGGATISHDA MULTIMEDIALI VOSITALARDAN  
FOYDALANISHNING MAZMUNI**

**Qurbanova Ziyodaxon Komiljon qizi**

*Namangan davlat pedagogika instituti magistranti*

*Gmail:ziyodaxonqurbanova@gmail.com*

*Tel: +998949130430*

**Annotasiya:** *Hozirgi kunda boshlang'ich ta'limda o'qitishning eng samarali usullaridan ta'lim-tarbiya jarayonida multimedia-texnologiyalaridan foydalanish bo'lib hisoblanadi. Ayniqsa boshlang'ich sinflarda o'quv jarayonini tashkil etishda bu usulning ahamiyati kundan kunga ortib bormoqda.*

**Kalit so'zlar:** *ta'lim sifatii, maorif, ta'lim muassasalari, savodxonlik, multimedia texnologiyalar, axborot, gipermatn tizimlar, gipermedia tizimlari multimedia.*

Маълумки дарснинг одатий – анаънавий ўтилиши талабаларнинг 25% га яқини ўзлаштириши мумкинлиги педагог олимлар томонида исботланган. Тажрибалар шуни кўрсатадики, бир вақтнинг ўзида ҳам маърузани эшлиши, ҳам материални компьютер экранида кўриш ва уни экранда чиқариши актив бошқариш ўзлаштириш сифатини оширади. Асосий муаммо - профессор-ўқтувчиларнинг мультимедиа имкониятларини яхши биладиган дастурчилар билан биргаликда ишлашининг ташкил этилмаганлигидир. Бундай ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув юртларида кенг тарқатиш таълим олувчиларнинг билим самарадорлигини ошишига хизмат қиласди

Анъанавий таълим технологиясида компьютерга фақат техник восита сифатида қаралади, мультимедиали компьютер технологиясида эса у кўргазмали воситадан ташқари, “таълим манбай” сифатида мужассамланади, яъни ўрганиладиган материал олдиндан компьютер хотирасига киритилган бўлади. Ушбу материал ўқитувчининг анъанавий метод билан машғулот ўтказиш бўйича тузган ишланмасига ўхшайди. Натижада, компьютер технологиясида асос солинди. Шундан бошлаб, “таълим технология”си ёки “таълимий технология” деган атама юзага келди. Шу даврлардан бошлаб ахборотларни йиғиш, танлаш, компьютерда ишлаб бериш, янги сифатли ахборот олиш, сақлаш ва узатиш амалга ошириш шаклланганидан бошлаб ахборот технологияси юзага келди. Бундан таълим соҳасига фойдаланиш эса таълимий ахборот технологияси деб юритилади. Ҳозирги даврда таълимий технологияларга: таълимий компьютер технологияси, таълимий ахборот технологияси, таълимий мультимедиа технологияси, масофавий таълим технологияси, таълимий ўйин технологияси ва бошқа технологиялар киради. Таълим жараёнинга фойдаланишга қаратилган инновацион технологияларидан бири таълимий мультимедиа технологияси хисобланади. Таълимий мультимедиа

технологиясида ҳам технологик жараён маълум бир тартибда алгоритм асосида амалга оширилади. Таълимий мультимедиа технологиясида ҳам юқоридагича таълим жараёни амалга оширилади. Ҳозирги даврда ҳар бир таълим ва ўқитиш технологияси маълум бир метод асосида амалга оширилади. Кубик, плюс, минус, қизик, ақлий хужум, тўрт поғонали метод, кичик гурухларда ишлаш, давра суҳбати, ишбоп ўйин, баҳс, мунозара, муаммоли вазият ва ҳоказолар. Таълимий мультимедиа технологияси асосида ўқитиш – электрон ўқитиш тизимиға кирганлиги сабабли унинг асосини компьютер технологияси ташкил этади. Компьютерда муль тимедиа маҳсулотлари (воситалари) тайёрланади. Хотирасига киритилган маълумотлар (ахборот) ҳисобида “таълим манбаи” ролини ўйнайди. Таълимий мультимедиа технологияси асосан, электрон таълимни амалга оширади, Интернет ашёларидан фойдаланишни таъминлайди, монитор экранидан намойиш орқали кўргазмалиликни таъминлайди. Таълимий мультимедиа технологиясида ҳам технологик жараён маълум бир тартибда алгоритм асосида амалга оширилади. Бу жараёнда асосий мақсад таълим ташкилотларида мультимедиали таълим жараёнини ташкил этиш, таълимий мультимедиа технологиясидан машғулотлар жараёнида фойдаланиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этишдан иборатдир. Мавзуу бўйича бошқа олимлар илмий асарлари қисқача таҳлили. Таълим соҳасидаги технологик жараён қўпгина адабиётларда баён этилган.

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш куйидаги афзаликларга эга:

- ♣ берилаётган материалларни чукурроқ ва мукаммалроқ ўзлаштириш имконияти борлиги;
- ♣ таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади;
- ♣ таълим олиш вақтининг қисқариш натижасида, вақтни тежаш имкониятига эришиш;
- ♣ олинган билимлар киши хотирасида узоқ сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Мультимедиа воситалари асосида ўқитиш жараёнида аниқ фанни компьютер асосида тўлиқ ўқитиш, маъруза матнларини таҳирлаш, талабалар топширган назорат натижаларининг таҳлили асосида маъруза матнларини баён қилиш услубини яхшилаш, ўқувчи-талабалар ахборот технологияларини мультимедиа воситалари асосида анимация элементларини дарс жараёнида қўриши, эшитиши ва мулоҳаза қилиш имкониятларига эга бўлади.

Кўргазмали дидактик воситалар тайёрлашда улар қандай мақсадлар учун яратилганига эътибор қаратиш лозим, яъни:

- янги ўқув материалини ўрганиш;
- ўрганилган ўқув материалини тақрорлаш;
- ўрганилган ўқув материалини мустаҳкамлаш;

● ўқув материалини мустақил ўрганиш мақсадлари учун. Буларнинг ҳар бирига мос мультимедиали дидактик восита тайёрланганда кутилган самарага эришилади. Технологик харита тузиш. Таълимий мультимедиа технологиясидан фойдаланиб дарс ўтишда ҳам технологик харитада қўйидагилар кўрсатилиади:

- мақсад;
- вазифа;
- кутилаётган натижалар;
- интерфаол услублар;
- керакли жиҳозлар;
- тест саволлари ва ҳоказолар.

Таълимий мультимедиа технологиясининг услубиётида тест саволлари ва синовлари ҳамда машғулот ўтказиш даврдаги релаксация вақти киритилиши лозим. Таълимий мультимедиа технологияснинг ҳам ўз методи мавжуд, ушбу метод “мультимедиавий ҳужум” методи деб номланган. Мультимедиавий ҳужум” методининг мазмуни талаба (ўқувчи) миясига бир вақтнинг ўзида материални матн, нутқ (товуш), видео-тасвир, анимация қўринишида таъсир (ҳужум) этишдан иборат. “Мультимедиавий ҳужум” методини: ўқув материалига тегишли мультимедиали тақдимот тайёрлашни; модулли ўқитиши технологиясидан фойдаланишни тақозо этади. Масалан, мактабгача таълим ташкилотларида машғулот шакли, бошқа турларида дарс амалий ва лаборатория машғулотлар шакллари мавжуд. Мультимедиани таълим соҳасига татбиқ этишда таълим самарадорлигини ошиши кўп педагоглар ва олимлар томонидан таъкидланган. Таълимий мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услуби: узлуксиз таълим тизимида таълимий мультимедиа технологиясидан фойдаланиш учун қўйидагича услублардан фойдаланилади: мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич синфларда – мулоқот (диалог) услуби; таълимнинг юқори босқичларида эса анъанавий кичик гурухларда ишлаш услуби; маъруза баён услубидан фойдаланилади. Шундай қилиб, таълимий мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг кенг имкониятлари мавжуд бўлиб, бу эса ҳозирги давр талаби ҳисобланади. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб қўйидаги хуносаларни келтириш мумкин: Мультимедиа технологиясининг кенг татбиқ этиладиган соҳаси - таълим соҳасидир. Шунинг учун, мақолада таълимий мультимедиа технологиясига алоҳида эътибор қаратилган. Таълимий мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти ишлаб чиқилди. «Мультимедиавий ҳужум» методидан узлуксиз таълимнинг барча босқичида фойдаланиш имконияти мавжудлиги баён этилди. Таълимий мультимедиа технологиясининг усул ва услублари, жумладан, “Мультимедиавий ҳужум” услуби ишлаб чиқилди. Мультимедиа технологиясидан фойдаланиб машғулот ўтказиш жараёнида ўқув материалини минимодулларга бўлиб ўргатиш (ўқитиши) таклиф этилди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон)
2. Абдуқодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти (ўқув-услубий қўлланма). – Қарши: Насаф, 2011. - 257 б.
3. Апатова П.В. Дидактические аспекты компьютерного обучения. – М.: Педагогика, 2002. - 168 с.
4. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. – Т.: Фан, 2007. - 160 б.
5. Боқиев Р.Р., Қаюмова Н. Ахборот технологияларини ўқитиш методикаси. Методик қўлланма. - Тошкент, ТДПУ, 2006. - 80 б.
6. Роберт И.В. Новые информационные технологии в обучении: дидактические проблемы, перспективы использования // Информатика и образование. 1991. - № 4. – С. 18-25.
7. Тайлақов Н. Мультимедиали (кейс) технология. // Халқ таълими. – Т.: 2004. - № 2. – Б. 86-88.
8. Гуломов С.С., Алимов Р.Х ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. - Т.: Шарқ , 2000. – 591 б.
9. Ҳайитов А.Ғ. Таълим жараёнини компьютерлаштириш. Услубий қўлланма. – Бухоро: 1999. - 40 б.